

Мардонов Баходир Бахронович,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
«Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси
доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Юнусов Махмудхон Асатуллаевич,

Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих
институти мустақил изланувчиси

Махмудов Собир Худойбердиевич,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил изланувчиси

ТАРИХИЙ БУЮМЛАР БАҲОСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ

УДК: 338.4

МАРДОНОВ Б.Б., ЮНУСОВ М.А., МАХМУДОВ С.Х. ТАРИХИЙ БУЮМЛАР БАҲОСИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛИ

Ушбу мақолада тарихий буюмларнинг хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб этишдаги энг муҳим жиҳатлари очиқ берилган, тарихий буюмлардан даромад топиш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, тарихий буюмларни даромад топиш йўлидаги муаммолар аниқланган ва таҳлил қилинган. Тарихий буюмларни баҳолашнинг янги усули таклиф этилган.

Таянч иборалар: даромад, тарихий-маданий туризм, тарихий буюм, суғурта, ялпи туризм ҳажми, музей буюмлари, самарадорлик.

МАРДОНОВ Б.Б., ЮНУСОВ М.А., МАХМУДОВ С.Х. МЕТОДИКА РАСЧЕТА СТОИМОСТИ ИСТОРИЧЕСКИХ АРТЕФАКТОВ

В этой статье раскрываются наиболее важные аспекты использования исторических артефактов в привлечении иностранных и отечественных туристов, а также показаны способы заработка на исторических артефактах. Также были выявлены и проанализированы проблемы с получением исторических артефактов. Предложен новый метод оценки исторических артефактов

Ключевые слова: доход, историко-культурный туризм, исторический объект, страхование, валовой объем туризма, музейные предметы, эффективность.

MARDONOV B.B., YUNUSOV M.A., MAKHMUDOV S.KH. METHODOLOGY OF HISTORICAL ARTIFACTS COST'S CALCULATION

In the article is discussed the most important aspects of the historical artifacts use in attracting foreign and domestic tourists, and also showed how to earn money on historical artifacts. Problems with obtaining historical artifacts were also identified and analyzed. A new method of historical artifacts for assessment is proposed.

Key words: income, historical and cultural tourism, historic site, insurance, gross tourism, museum items, efficiency.

Кириш.

Ўзбекистон энг кўҳна, тарихдан мерос қолган моддий ва маданий ёдгорликларга бой давлат ҳисобланади. Ўзбекистонда хорижий сайёҳларни жалб этишга нафақат тарихий шаҳарлар ёки қадимий меъморий ёдгорликлар, балки туристик манба сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бетакрор гўзал табиати, ландшафти (саҳро, чўладирлар, тоғлар, паст текисликлар), хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда жаҳон аҳамиятига эга бўлган археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқлар ҳам мавжуд. Ушбу тарихий элементлар (топилмалар) сайёҳларни жалб этишда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодчи олим М.М.Мухаммедов ҳам таъкидлаганидек, - "ноёб, бетакрор, муҳташам меъморий обидалар ўзларининг ижодкорлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этиб, ўша даврдаги одамлар ҳаёти, урф-одатлари, маданияти ва дини ҳақида ҳикоя қилади"¹. Шу жиҳатдан қаралганда Ўзбекистонда тарихий-маданий туризмни ривожлантириш имконияти туризмнинг бошқа турларига қараганда анча кенг.

Ҳар бир тарихий буюмнинг қадимийлиги, ўтмишни эслатувчи хусусияти, унинг ўша даврдаги аҳамияти кишиларни қизиқтиради. Сайёҳлар у ҳақда кўп янги маълумотлар олишни истади. Бироқ, мамлакатда мавжуд тарихий-маданий туристик объектлардан, тарихий буюмлардан (музейдаги нусхалари мавжуд бўлган экспонатлар) мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш самардорлиги анча паст. Тадқиқотлар жараёнида мавжуд тарихий буюмларнинг кўплари (нусхаси кўплаб учрайдиган тарихий буюмлар), музейларда экспонат сифатида сайёҳлар учун жойлаштирилган бўлсада, баъзилари музей фондида фойдаланилмасдан сақланиб келинаётганлиги аниқланди. Аслида, тарихий-маданий туристик объектнинг ҳар бир элементи катта даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоғи ва мамлакатнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Ҳозирги кунда музейларда фонд сифатида сақланаётган ва тарихий ёдгорлик сифатида эътироф этилаётган буюмларни хусусий музей уйларига ижарага бериб даромад олиш, кўчма музейларни ташкил этиш ва бошқа йўллар орқали қўшимча даромад топиш имкониятлари мавжуд.

Бизнинг назаримизда тарихий буюмлардан даромад топиш мақсадида фойдаланишда ҳал этилиши лозим бўлган айрим муаммолар мавжуд. Шундай муаммолардан бири тарихий буюмларнинг баҳосини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади.

Тарихий буюмнинг яратилиш вақти, ўша даврдаги аҳамияти ва муҳимлиги, буюмнинг мураккаблик даражаси, кўриниши, сақлаш ҳолатининг мавжудлиги, нуқсонлари ва шу каби бошқа жиҳатларини ўзида мужассамлаштирадиган баҳолаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ҳозирги кунда археологик изланишлар натижасида топилаётган тарихий буюмларни эксперт ходимлар қайси асрга тааллуқли эканлигини, ўша даврдаги аҳамиятини, унинг таркибини аниқлаш орқали тарихий буюмнинг маълумотини (паспортини) шакллантирадиган ва шу асосда унинг қийматини аниқлайдилар. Эксперт ходимларининг ушбу ёндашуви тарихий буюмлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда муҳим аҳамиятни касб этиши мумкин, лекин унинг оптимал баҳосини чиқариш учун етарли бўлмайди. Натижада кишиларда мавжуд тарихий буюмларга музей хизматчилари томонидан берилаётган баҳо буюм эгаларини қониқтирмаяпти ва шу сабабли уларни музейларга топшириш истаги йўқ.

Ўтмишдан бизга мерос қолган ҳар қандай тарихий буюмнинг ёки бошқа ёдгорликларнинг яратилган даврда сарфланган моддий ресурслар қийматини ҳамда орадан ўтиб кетган тарихий даврни ҳисобга олувчи ва ўз қийматида албатта акс эттирувчи ҳозирги замон баҳоси бўлиши керак. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи ва ўтмиши ўртасидаги фарқ ортиб борган сайин, тарихий буюмларнинг қиймати ҳам шунчалик ошиб бориши лозим. Демак, ҳар бир ёдгорликнинг қадимийлиги, ўша даврдаги аҳамияти, ўзида мужассамлаштирган ресурслар сарфи йиллар ўтган сайин унинг қийматини оширишда катта роль ўйнаши лозим. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб тарихий буюмларнинг баҳосини аниқлашда унинг яратилиш вақти, камёблиги, буюмнинг ўша вақтдаги аҳамияти ва муҳимлиги, буюмнинг мураккаблик даражаси, кўриниши, сақлаш ҳолатининг мавжудлиги, нуқсонлари ва шу каби бошқа жиҳатларини назарда тутадиган баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

¹ Мухаммедов М.М. Экономические реформы в Узбекистане. Опыт и перспективы роста. <https://www.morebooks.de/store/gb/book>.

Тадқиқот методологияси.

Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда илмий таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, ёндашув, таҳлилнинг мантиқий усуллари ҳамда натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашда хориж мамлакатларнинг жуда кўп олимлари тадқиқот ишларини олиб боришган¹. Улар ўз тадқиқот ишларида асосан тарихий буюмларнинг аҳамияти, нусхаларининг мавжудлиги, буюмни ишлаб чиқарган усталар тўғрисидаги маълумотлар тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган. Масалан, Н.М.Романова, М.А.Александрова, Е.А.Михайлова, Н.М.Фомичевалар: - "тарихий буюмни баҳосини ҳисоблашда тарихий буюмнинг ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий аҳамиятини, энг муҳими ноёб товарлар бозорида ушбу буюмга талабнинг борлиги ва таклиф ҳажми ҳам таъсир этишини таъкидлашган"². Баъзи эксперт ташкилотлари масалан, «Арт-консалтинг» ходимлари тарихий буюмларнинг баҳосини аниқлашда тарихий буюм (асар) муаллифининг (устасини) машҳурлигини, тарихий буюмнинг яратилиш вақти ва жойини, буюмнинг ноёблигини, нусхалари мавжудлигини назарда тутиш катта аҳамият касб этишини билдиришган³. А.Б.Островский тарихий буюмларни баҳолашда таққослама усуллардан фойдаланишни тавсия этган. А.Б.Островский таққослама таҳлилнинг қуйидаги ижобий жиҳатларини эътироф этади: - "буюмлар баҳосини осонлик билан аниқланишини, буюмларнинг тарихини,

унинг аҳамиятини, буюмларнинг устасини ва бошқалар"⁴. Санъатшунос олим А.Г.Гагарин – эса санъат асарларини баҳолаш санъатнинг қуйидаги бешта хусусиятини инобатга олишни тавсия этган: бадий асарнинг сифати, тарихий ҳужжати ва бадий қиймати, асарга бўлган талаб, асарнинг сақланганлик ҳолати, маҳаллий бозорда асарларга бўлган талабнинг ўзгаришини⁵.

Тадқиқотчи ва санъатшунос олимларнинг тарихий буюмларни баҳолаш борасидаги бундай фикрларни яна кўп давом эттириш мумкин. Бироқ манбаларда таъкидланишича тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашнинг махсус методикаси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган⁶. Чунки тарихий буюмларнинг турларининг кўплиги ва ҳар хил услубда ишлаб чиқилганлиги уларни ягона усулда баҳосини ҳисоблашнинг имконини бермайди. Шу сабабли уларни баҳолаш бўйича ягона усул йўқ.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, юқорида номлари зикр этилган олимларнинг тарихий буюмларни баҳолаш бўйича билдирган фикрларини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Аммо ушбу олимларнинг тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблаш бўйича таклиф этилаётган усулларида ҳам баъзи камчиликларни аниқладик. Масалан, А.Б.Островскийнинг тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашнинг таққослама усули дастлабки буюмларнинг баҳоси қандай аниқланганлигини кўрсатиб беролмайди. Чунки тарихий буюмнинг бошқа тарихий буюм билан таққосланганда дастлаб ўша буюмнинг баҳоси аниқланган бўлиши лозим. Бундан келиб чиқадики, дастлабки тарихий буюмнинг баҳосини аниқлаш мавҳумлигича қоляпти. Агарда дастлабки тарихий буюмнинг баҳосини ҳисоблашнинг имкони бўлмаса, А.Б.Островскийнинг тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблаш бўйича берилган таклифи ўз аҳамиятини йўқотади.

Ёки айтайлик санъатшунос олим А.Г.Гагариннинг санъат асарларини баҳолашда инобатга олиниши лозим бўлган бешта хусусият таклиф этилган. Аммо уларни тарихий буюмларни

¹ Соломатина О. Экспертные заключения // Деньги. 2007. № 24. С. 28–30.; Роцин В. К. Российские эксперты по культурным ценностям : справочник. М. : Хобби Пресс, 2010. 32 с.; Михайлова Е. А. Рынок произведений искусства в системе экономических отношений общества // Современная система мирохозяйственных связей : тенденции развития и перспективы : мат-лы междунар. науч.-практ. конф. 15 апр. 2008 г. СПб. : Европейский Дом, 2008. С. 13–18.; Чудинов Г. В. Особенности страхования произведений искусства // Организация продаж страховых продуктов. 2006. № 3. С. 80. Руднева И. В., Образцова М. В. Основы экспертизы предметов искусства и культуры. Вып. 1 : Россия и Западная Европа. СПб. : Европейский Дом, 2008. 184 с.

² Романова Н.М., Александрова М.А., Е.А.Михайлова, Фомичева Н.М. Экспертиза, оценка и страхование музейных предметов : вопросы теории и практики. — СПб. : Изд-во «Нестор-История», 2011. — 192 с. 20 стр.

³ Экспертная организация «Арт-консалтинг». [Электронный ресурс: сайт]. URL: <http://www.Artconsulting.ru>

⁴ Островский А. Б. Этнографическое музейное исследование : метод. Рек. СПб., 2007. 33 с.

⁵ Гагарин А. Г. Особенности оценки произведений искусства // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2006. № 3. С. 62–63.

⁶ Романова Н.М., Александрова М.А., Михайлова Е.А., Фомичева Н.М. Экспертиза, оценка и страхование музейных предметов : вопросы теории и практики. — СПб. : Изд-во «Нестор-История», 2011. — 192 с. 38 стр.

баҳолашда қандай қилиб фойдаланиш усули ҳақида аниқ фикрлар билдирмаган. Айниқса, Россия Федерациясининг «Арт-консалтинг» суғурта компанияси мутахассисларининг тарихий буюмлар баҳосини аниқлаш борасидаги фикрлари диққатга сазовор. Улар тарихий буюмларнинг устаси, асар муаллифларининг машҳурлик даражаси тарихий буюмларнинг баҳосини оширишда катта таъсир кўрсатишини таъкидлашган. Аммо тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашда улардан қандай фойдаланиш тўғрисида бирон-бир фикр билдирмаган.

Ҳозирги кунда ўтмишдан мерос қолган буюмларни баҳоловчи экспертлар, соҳа мутахассислари тарихий буюмларни баҳосини аниқлашда масаланинг ана шу нозик жиҳатларини етарли даражада инобатга олмаганлиги ва ушбу буюмларни ҳисоблаш бўйича ягона усулнинг йўқлиги тарихий буюмларни қийматини ҳисоблашда айрим муаммоларга ва қийинчиликларга, баъзи тортишувларга сабаб бўлмоқда. Масалан, баҳоловчи экспертлар узоқ ўтмишдан мерос қолган олтин соат баҳосини ҳисоблашда унинг таркибидаги олтин миқдорини аниқлаб, ҳозирги кундаги олтин қийматига таққослаш билан чегараланиб қоляптилар. Ваҳоланки, олтин соатнинг бадий безаклари, ўша даврдаги уста-ҳунармандларнинг машаққатли қўл меҳнати эвазига яратилганлиги, уни яратишдаги мураккаблик даражаси ва унинг асраб-авайланганлиги ва бунинг эвазига бизгача етиб келган нодир ва ноёб ашёвий далил эканлиги экспертлар томонидан баҳолаш жараёнида тўла инобатга олинмайди.

Таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизлар тарихий буюмларни баҳосини ҳисоблашни такомиллаштирилган усулини таклиф этамиз.

Биз таклиф этаётган тарихий буюмларнинг баҳосини ҳисоблашнинг ушбу прогрессив усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда тарихий буюмларнинг ҳозирги баҳосини аниқлаш учун асос сифатида туризмнинг ЯИМдаги улуши олинган. Бизнинг фикримизча тарихий буюмлар туризм хизматлар ҳажмининг ошишига хизмат қилади ва шу орқали ЯИМ ҳажмининг ўсишига олиб келади. Шу сабабли тарихий буюм баҳосини ҳисоблашда, унинг ёрдамида яратиладиган хизмат ҳажми ҳисобга олинishi керак. Туризмнинг ЯИМдаги улуши ортиб борган сари тарихий буюмларнинг баҳоси ҳам шунга мос равишда ортиб бориши лозим. Чунки, сайёҳларни кўпроқ жалб

этадиган асосий элементлардан бири – бу тарихий буюмлар ва у ҳақдаги қизиқарли маълумотлардир.

Ушбу усул мамлакатимизда тарихий-маданий туризмни янада ривожлантиради. Соҳа мутахассислари, тадқиқотчиларнинг тарихий буюмларни топиш ва у ҳақда қизиқарли маълумотлар тўплашга қизиқиши кучаяди. Уйда сақланаётган камёб тарихий буюмларни музей идораларига топшириш жараёни рағбатлантирилади. Шу билан бир қаторда, аҳолида уни асраб-авайлаш, эҳтиёткорлик билан сақлаш, бойликнинг манбаи сифатида қадрлаш, келажак авлодларга мерос қилиб етказиш масъулияти ҳам ошади. Баъзи хонадонларда сақланаётган камёб тарихий буюмларнинг нест-нобуд бўлиб кетишининг олди олинади. Тарихий буюмларни сақлаш қоидалари янада такомиллашади.

Тарихий буюмлар нархини шаклланишига кўп омиллар таъсир этади. Шу сабабли уларни аниқлашда эътиборга олинishi муҳим бўлган мезонларни бир тизимга келтирдик. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, унда тарихий буюмнинг яратилиш вақти, буюмнинг ноёблиги, буюм нусхаларининг мавжудлиги, буюмнинг ўша даврдаги аҳамияти ва муҳимлиги, буюмнинг тарихий воқеликка дахлдорлиги, буюмни тайёрлашдаги мураккаблик даражаси, буюмнинг кўриниш ҳолати, аниқлик ва тиниқлик даражаси, сақлаш ҳолатининг мавжудлиги. Шунингдек, тарихий буюмларнинг нуқсонлари (буюмнинг синганлиги, кўринишида аниқсизлиги,) маълумотларнинг етарли эмаслиги, тарихий буюмни жозибадорлигини намойиш этадиган жиҳатларининг йўқолиб кетганлиги ва шу каби жиҳатлари ҳам инобатга олинади (1-жадвал).

Тарихий буюмлар баҳосини ҳисоблашда 1-100 фоизгача бўлган шкаладан фойдаландик. Унда тарихий буюм 100 йилгача бўлган даврга тааллуқли бўлса, ялпи туризм ҳажмининг 5 фоизини, агарда буюм 100 йилдан кўп йилларга тааллуқли бўлса, ялпи туризм ҳажмининг 10 фоизини, тарихий буюм ноёб аҳамиятга эга бўлса, ялпи туризм ҳажми 100 фоиз миқдорда баҳоланиши, ёки тарихий буюм камёб бўлса, ялпи туризм ҳажмининг 20-30 фоиз атрофида баҳоланади. Худди шундай усулда тарихий буюмнинг аҳамияти муҳимлиги, буюмнинг нақшкорлиги, қўшимча безакларнинг мавжудлиги, буюмнинг кўриниш ҳолати, сақлаш ҳолатининг мавжудлиги ва бошқа мезонлар баҳоланиб

1-жадвал. Тарихий буюмларни баҳолашнинг мезонлар тизими

№	Мезонлар	Баҳолаш жараёнида қўшиладиган мезонар, фоизларда	Баҳолаш жараёнида айриладиган мезонлар, фоизларда
1.	Буюмнинг яратилиш вақти		
1.1.	100 йилгача даврга тааллуқли	5	
1.2.	100 йилдан кўп йилларга тааллуқли	10	
2.	Буюмнинг ноёблиги	100	
3.	Буюмнинг камёблиги	20-30	
4.	Буюм нухаларининг мавжудлиги		
4.1.	Ягона	50	
4.2.	Бир неча буюмлар мавжуд	15-20	
5.	Буюмнинг ўша даврдаги аҳамияти ва муҳимлиги		
5.1.	Буюмнинг ўша даврдаги аҳамияти	15-20	
5.2.	Буюмнинг ўша даврдаги муҳимлиги	15-20	
6.	Буюмнинг тайёрлашдаги мураккаблик даражаси		
6.1.	Буюмнинг нақшкорлиги	15	
6.2.	Буюмнинг қўшимча безаклари	20	
7.	Буюмнинг кўриниши ҳолати		
7.1.	Кўриниши:		
7.1.1.	- яроқли	10	
7.1.2.	- яроқсиз		30
7.2.	Аниқлик даражаси:		
7.2.1.	- аниқ	10	
7.2.2.	- аниқ эмас		25
7.3.	Буюмнинг тиниқлик даражаси (ёзувлар, белгилар):		
7.3.1.	- тиниқ	10	
7.3.2.	- унчалик тиниқ эмас		20
7.3.3.	- тиниқ эмас		35
7.4.	Сақлаш ҳолатининг мавжудлиги		
7.4.1.	- мавжуд	30	
7.4.2.	- мавжуд эмас		10
8.	Буюмнинг яроқлилиқ ҳолати (нуқсонли ва нуқсонсиз) сақланганлик ҳолати		
8.1.	Нуқсонли		5
8.1.2.	- ярим синган		10
8.1.3.	- тўлиқ синган		25
8.2.	Нуқсонсиз	30	
8.2.1.	Буюм тўлиқ (бутун)	50	
9.	Буюмнинг тарихий воқеликка дахлдорлиги		
9.1.	Янги тарихий воқеликни тўлиқ кашф этиши	50	
9.2.	Тарихий воқеликни қисман кашф этиши	15	
10.	Буюмнинг таркиби (металл буюмлар жумладан олтин, кумуш ва бошқа, матолар жумладан, ипак, пахта ва бошқалар) ҳозирги жаҳон бозоридаги нархларда ҳисобланади.		
11.	Буюмни топишдаги сарф-харажатлар (тарихий буюмларни қидириш ва топиш жараёнидаги харажатлар).		

чиқилади. Шу тариқа тарихий буюмнинг баҳоси шаклланиб борилади. Шунингдек, тарихий буюмнинг баҳосига салбий таъсир этувчи мезонлар ҳам 1-100 фоизга бўлган шкалада ҳисобланиб чиқилади. Унда ҳам агарда буюмнинг кўриниш ҳолати яроқсиз бўлса, ялпи туризм ҳажмининг 30 фоизи, тарихий буюмнинг аниқлик даражаси етарли бўлмаса ялпи туризм ҳажмининг 25 фоизи, буюмнинг нуқсонлари мавжуд бўлса 5 фоиздан 25

фоизгача ҳисобланиб борилади ва баҳоланаётган буюмнинг умумий баҳосидан айрилади. Ушбу усул орқали бизлар Соҳибқирон Амир Темурнинг «Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида» сақланаётган тобутини баҳосини ҳисоблаб чиқдик. Ҳисоб-китоблар Соҳибқирон Амир Темур тобутининг баҳоси 29,0 трлн. сўмни ташкил этишини аниқлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Соломатина О. Экспертные заключения // Деньги. 2007. № 24. С. 28–30.
2. Роцин В. К. Российские эксперты по культурным ценностям: справочник. М.: Хобби Пресс, 2010. 32 с.
3. Михайлова Е. А. Рынок произведений искусства в системе экономических отношений общества // Современная система мирохозяйственных связей: тенденции развития и перспективы: мат-лы междунар. науч.-практ. конф. 15 апр. 2008 г. СПб.: Европейский Дом, 2008. С. 13–18.
4. Чудинов Г. В. Особенности страхования произведений искусства // Организация продаж страховых продуктов. 2006. № 3. С. 80.
5. Руднева И. В., Образцова М. В. Основы экспертизы предметов искусства и культуры. Вып. 1: Россия и Западная Европа. СПб.: Европейский Дом, 2008. 184 с.
6. Островский А. Б. Этнографическое музейное исследование: метод. Рек. СПб., 2007. 33 с.
7. Гагарин А. Г. Особенности оценки произведений искусства // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2006. № 3. С. 62–63.
8. Романова Н.М., Александрова М.А., Михайлова Е.А., Фомичева Н.М. Экспертиза, оценка и страхование музейных предметов: вопросы теории и практики. — СПб.: Изд-во «Нестор-История», 2011. — 192 с. 38 стр.
9. Мухаммедов М.М. Экономические реформы в Узбекистане. Опыт и перспективы роста. <https://www.morebooks.de/store/gb/book>